

КОРРУПЦИЯ ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Исомиддинов Юнусжон Юсуббоевич,

Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси

(Тел +99890 191-50-50)

Коррупция

чегара билмас “аждаҳо”, у алдамчилик, пораҳўрлик ва пулни “ювиш”нинг аниқ “чизма” (схема)ларидан ташкил топган.

“Transparency Int” (TI) коррупцияга қарши тадқиқот марказининг 2017 йилдаги маълумотига кўра, Россияда коррупция ҳолатини ўзлаштириш индекси 2,3 бални ташкил қилиб, 180 давлат ичida 143-ўринга — Гамбия, Индонезия ва Того даражасига тушиб қолган...

Юқорида таъкидланган халқаро ташкилот 2018 йилги коррупцияни қабул қилиш индексини эълон қилди. 100 баллик индексга кўра, Ўзбекистон 23 балл олиб, умумий рейтингда 180 мамлакат ва ҳудудлар орасида 158-ўриндан жой олган. Ушбу рейтинг 0 (коррупцияни идрок этишнинг жуда юқори даражаси) дан 100 гача (жуда паст) шкалада хисоблаб чиқилади.

Коррупцияни идрок этиш индексини — давлат секторидаги коррупция даражасини эксперт ва бизнес вакиллари баҳолайди. Аввалги йилларда бўлгани каби, дунё мамлакатларининг учдан икки қисмидан кўпроғининг ўртacha бали 43 дан 50 гача кўрсаткичда турибди. Индекс тузувчиларнинг фикрича, бу аксарият мамлакатларнинг - коррупцияни жиддий назорат қила олмаганлиги ва демократиянинг инқирозидан далолат беради.

Дания 88 “очко” билан пешқадамликни Янги Зеландиядан қайтариб олди. Кучли ўнликка Финляндия, Сингапур, Швеция ва Швейцария (ҳар бири 85 балл), Норвегия (84), Нидерландия (82), Канада ва Люксембург (81 балл) кирган. Энг ёмон кўрсаткич Сомали (10), Сурия, Жанубий Судан (13), Яман ва Шимолий Кореяда (14).

“Бизнинг тадқиқотларимиз соғлом демократия билан давлат секторидаги коррупцияга қарши кураш ўртасида аниқ боғлиқликни кўрсатиб берди”, дейди халқаро ташкилот раиси Делиа Феррейра Рубио.

Собиқ СССР мамлакатларида 2018 йилда Коррупцияни англаш индекси бўйича Эстония 18-ўринни, Грузия — 41, Беларусь — 70, Қозоғистон — 124, Тожикистон — 152, Ўзбекистон 158-ўринни эгаллаган.

2020 йил 29 июнда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бу борада давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш билан бирга, ана шу кўрсаткични яхшилаш устида кўп ишлаши керак.

Бунда бир омилга аҳамият берилиши, яъни кўчмас мулк сотиб олинаётганда пулларнингкелиб чиқиши қонунийлиги текширилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Ваҳоланки, бизда жуда қиммат уйлар эгалари уларни сотиб олиш ёки қуриш учун маблағни қаердан олгани суриштирилмайди ҳам (2021 йилда декларация тўлдирилади, унгача мулклар имкон қадар “бошқа”га ўтказилиши мумкин).

Қонунчилик тизимида ҳам камчилик мавжуд. Мисол учун, хонандалар ёки бошқа айрим тоифа кишиларининг хоҳлаганча қаср уйлар қуришига, телевидениеда кўз-кўз килинишига йўл қўйилиши қонунлар яхши ишламаётганидан дарак беради. Масаланинг маънавий тарафи ҳам борки, енгилгина йўл билан бундай шоҳона яшаш бир вақтлар прокурор ёки ДАН ходими тайёрлайдиган ўқишига киришни истовчи ёшлар кўпайганига ўхшаш ҳолатни пайдо қилиши мумкин.

Демак, бу истеъоди бўлмаса-да, оддийгина техника, фонограммага суюниб, мўмай пул топадиганхонандалар сонининг 10 баравар ошишига олиб келади. Бу фикрга қўпчилик қарши чиқиши мумкин. Аммо жамиятда барча соҳада тенг мувозанатни саклашдек “олтин қоида” бузилмаслиги тарафдоримиз. Фонограммада айтилган қўшиқнинг CD дискларини ёзиб олиш, кўпайтириш ва сотиш билан шуғулланувчиларга ҳам шундай “имтиёз”лар белгиланиши, солиқ тўламаслиги оқибатида Давлат бюджети катта иқтисодий заар қуришига ҳам тоқат қилиб бўлмайди. Бундай коррупциоген ҳолатларнинг илдиз отишига, бир гурӯҳ кишиларнинг бойиб кетишига йиллар давомида шароит яратилган. Дейлик, саводи ҳаминқадар хонанда ё диск кўпайтирувчи ўзи ўқитган мактаб муаллими ёки узоқ йиллар давомида илм билан шуғулланган олимдан ҳам кўпроқ маблағ топишига имконият яратилиши адолатсизлик ва коррупциянинг очиқ қўриниши эмасми?!

Аҳоли табақалари даромадларининг фарқланиш микдори кескин ўзгаргани иқтисодчиларни ташвишга солмоқда. Мисол учун, собиқ иттифоқ статистика қўмитаси маълумотига кўра, бу 1956 йилда 3,28, 1986 йилда 3,38 га етган — қарийб тенг бўлса, мустақиллик йилларида бой ва камбағаллар даромадидаги фарқ анча кўпайган. Расмий маълумотларда 10 фоиз энг бадавлат кишилар даромади энг камбағал фуқароларнинг даромадларидан 10 — 15 марта ошиб кетганлиги маълум бўлмоқда.

Кўплаб эксперталар “яширин иқтисодиёт” ҳисобга олинганда, ўртадаги ҳақиқий тафовут 25 — 40 маротаба эканлигини қайд этмоқда. Ҳозирги кунда яшаш минимумидан паст даражада кун кечираётган камбағал аҳоли 15 фоиздир. Бу масалада 2019 йилдан бошлаб катта силжиш кузатилган, ҳатто бутун бир вазирлик ишлаётган бўлса-да, ўртадаги фарқнинг кучайиб бориши жамият қатламларида турли фикрларни пайдо қилиши мумкин.

2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”)ни босқичма-босқич жорий этиш чоралари қўрилиши соҳада туб ўзгаришларга туртки беришига ишонамиз. Агентликка халқаро конвенция талабларини бажариш мақсадида ушбу йўналишдаги фаолиятни

мувофиқлашириш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий координатори вазифа ва ваколатлари юклатилиши, мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиши идоранинг мақом ҳамда нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Демак, миллий тараққиётга тўсик бўлиб келаётган коррупцияни бартараф этиш йўлида дадил қадамлар ташланмоқда. Энг асосийси, коррупцияга қарши курашда ҳукукни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз.

Энг аввало, коррупцияга қарши курашишни оиласдан бошлаш даркор. Бу борада аёлларнинг роли катта, деб ҳисоблаймиз. Агар ўғрилик ёки пора ҳисобига келган луқманинг таг-илдизини аёлларимиз суриштириб билса, очик фикрини айтольса, эрлар ҳалол ризқни излашга тушиб, иши ва оиласида файз-барака, сокинлик ҳамда хотиржамлик қарор топиши, шубҳасиз.

Коррупция — тамагирликнинг юқори нуқтаси. Унга қарши курашиш учун амалдорлардан сиёсий ирода талаб қилинади. Ушбу вазиятдан чиқиш усули шуки, аввало, давлат бюрократик аппарати ҳажми имкон қадар камайиши, фуқароларнинг шахсий ҳаётига ва иқтисодий фаолиятига давлатнинг минимал аралашуви, монополияга барҳам берилиши лозим.

Тўғри, коррупцияга қарши курашиш турли мамлакатларда турлича намоён бўлади. Аммо давлат хизматида ўғриламаслик учун дунёда фақат иккита рецепт тан олинади: 1. Швейцария — вақтни қисқартириш.

2. Хитой — ҳаётни қисқартириш.

Албатта, мамлакатимизда ҳам бу иллатга қарши кескин курашиш чоралари кўрилмоқда. Тадқиқотлар бирор-бир иллатга барҳам беришда энг самарали восита иллатнинг ўзи билан эмас, балки сабаби билан курашиш эканини кўрсатмоқда.

Бизнингча, бу ярамас иллатга қарши курашишни қўйидаги муаммоларнинг ечимидан бошлаш тавсия этилади: агентлик томонидан коррупция таркибий қисмига кирадиган қонун ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиши; давлат муассасалари устидан жамоатчилик назорати (очиқлик индекси) ўрнатилиши; ҳокимлар ва вазирлар парламент ҳамда маҳаллий Кенгашлар томонидан тасдиқланиши; барча давлат хизматлари “Ягона ойна” марказларига ўтказилиши, суд тизими мустақиллиги мустаҳкамланиши; давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимояси, мансабдор шахсларнинг иш ҳақини бизнесдагига ўхшаш иш ҳақидан 2-3 баравар кўп бўлишига эришилиши (Грузия тажрибаси) керак.

Бунинг учун мустақил комиссия ва марказларни тузиш, ҳақиқий аҳволни жиддий ўрганиш, барча тадқиқотлар ҳамда ахборотларни мунтазам йиғиб борадиган ягона марказ тезда иш бошлиши талаб этилади. Чунки қиладиган иш ва вазифа ўн йилларга етгулик.

Тан олиш жоизки, давлат харидлари, инвестиция, банк, солик, божхона, бозорлар, курилиш тизимида коррупцияга алоқадор шахслар яхши даромад кўради. Қонунчилик амалиёти, ҳуқуқ-тартибот органларининг уларга қарши туриш борасида ўта “ожизлиги”, “зайфлиги”, ҳатто хайриҳоҳлиги ҳолатлари ишимизга халақит бериб, бунинг оқибатида халқ ва давлатнинг ер ости ҳамда ер усти бойлигини ўзлаштириш эвазига чет элларда данғиллама виллаларга эгалик қилиш ҳолатлари кўпайиб боради. Жамият аъзоларини бирдай қийнаб келаётган балои офатга қарши курашиш учун биз кўшни давлатлар тажрибасини ўрганиш ва сабоқлар чиқариш йўлида изланиб, Россиядаги ахволни кўздан кечирдик: 2000-йиллар аввалида улкан мамлакатнинг миллий хавфсизлигига коррупция хавф сола бошлагач (асосан, ер ости бойликлари ва мудофаа соҳаси маблағларини талон-торож қилиш), маҳсус идора очилди, мавжуд муаммолар -халқаро тажриба билан таққосланиб, “ҳомий” вазифасини бажарган ҳуқук-тартибот органлари, солик, божхона хизмати тизими раҳбарларига кескин чоралар кўрилди.

Айтиш мумкинки, ўзбек сиёсатчилари, давлат арбоблари, олимлари ўрганаман деса дунё мамлакатларида бундай жиҳатлар кўплаб топилади. Мисол учун, Сингапурда пора олишдан бош тортган амалдорларга мукофотлар тарқатилади. Япония давлат сектори ходимларининг виждонлилиги баҳолаб борилади. Биз ўзига хос бундай ислоҳотлар тагзамиnidаги ички ва ташқи омилларни тадқиқ этишимиз зарур. Булардан ташқари, “конфуцийча капитализм”, сухарточа сиёсат, Махатхира (руху нигара) ғояларининг мазмун-моҳияти ҳам деярли ўрганилмаган.

Хуллас, давлат органларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича чора-тадбирларни жорий этиш, аҳолининг коррупцияга қарши қарашларини шакллантириш бўйича халқаро тажрибалар ҳеч қачон зарап қилмаган.

Ўзбекистонда бу борада тўпланган муаммолар Россияникига яқин туради, демак, дастлабки тадбирлар ана шу схема асосида амалга оширилиши мумкин. Коррупция илдизига болта уришда жиноят ишлари бўйича судлар устувор мавқени эгаллаши лозим, деган фикрдамиз.

Лекин афсуски, МДҲ давлатларида кимнингдир тазиики, кўрсатмаси ёки тамагирлиги, мансабдорнинг сотиб олиниши эвазига судларнинг адолатсиз ҳукмлар чиқариши ҳоллари кўп учрайди (юртимиз ҳам мустасно эмас). Суд тизими сиёсий ҳокимиятнинг итоатгўй, тобе органига айланиши касалликнинг баттар газак олишига олиб келади.

Жонли мисол, маҳаллий ҳокимларнинг фуқаролар ва юридик шахсларга ерни ажратиши, кўп йилдирки, бизнесга, кимошли савдосига айланиб, роса коррупциялашганлиги боис, улар чиқарган қарорларнинг teng ярми, қарийб 2000 таси судлар томонидан бекор қилингани, сўнг депутатлар қистови билан мазкур вазифанинг геокадастр ташкилотига ўтказилгани шу соҳада ташланган дадил қадам бўлди. Булардан ташқари, ўнлаб ваколатлар жамоат ташкилотлари ихтиёрига топширилди. Ишонамизки, бундай демократик жараён давом эттирилади.

Мамлакатимизда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш пайтида коррупция жиддий тўсиқ бўлаётгани жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Шу боис Юртбошимиз бошлаб берган жамиятни демократлаштириш, модернизациялаш жараёнлари қийинчилик билан давом этмоқда. Иқтисодиётнинг инвестиция киритилган, “пул ишлайдиган”, бирмунча “ёғли” тармоқларига ўрнашиб олган “коррупция ҳалқаси” миллий тараққиётимизнинг душмани, жамоат назорати эса уларга қарши курашда ожизлик қилаётгани ҳам афсуски бор гап. Мамлакатда коррупция схемалари, меҳнат қилмасдан тезда бойиб қолиш механизмлари, ишланган усуллари “занжири” узиб ташланмас экан, давлатимизнинг ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ислоҳотини ҳаётга олиб кириш, ҳалқни фаровон қилиш вазифаси қофозда қолиб кетаверади.

Шу ўринда яна бир тоифа ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Маълумки, 1990-йиллар бошида мустақиллик йўлига ўтган ёш давлатларда модернизациялаш табиий бўлмаган жараённи ўз бошидан кечирди. Барча кўрсаткичлар газеталарда ёзилгандай “силлиқ” эмас, балки нотекис кечаётгани қўпчиликка маълум эди. Чунки давлат бош ислоҳотчиликни бўйнига олган бўлса-да, уни амалга оширувчи институт бюрократия қўлида қолганди. Аппаратчи бюрократлар синфи социализм хукм сурган эски даврларни қўп қўмсайди, янгиликни хоҳламайди. Масалани шу жиҳатдан холис таҳлил қилганимизда, бюрократиянинг ҳокимиятга “таъсири” коррупционерлардан кам эмаслиги аён бўлади.

Мухтасар айтганда, коррупция — тараққиёт кушандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи хавфли жиноят. Бу иллатга қарши курашиш тегишли органларнингни эмас, барчанинг иши бўлиши зарур. Шундагина биз ушбу хавфни бартараф этган бўламиз.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

- 1.“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, 2017 йил 3 январь.
- 2.Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд, – Т.: Ўзбекистон, 2019. 65-бет.
- 3.Сиссенер Т.К. Феномен коррупции в антропологической перспективе // Борьба с ветряными мельницами? Социально-антропологический подход к исследованию коррупции / Сост. и отв. ред. И.Б. Олимпиева, О.В. Паченков. – СПб.: Алетейя, 2007. – С. 81.
- 4.Левада Ю. Человек в корруптивном пространстве. Размышления на материалах и на полях исследования // 2000. – № 5. – С. 13.
- 5.Элдор Туляков. Коррупцияга қарши курашиш маданияти шаклланиши зарур // 31 май. 2019 й. "Тараққиёт стратегияси" маркази. <https://strategy.uz/index.php?news=530>.